

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ ҲАРБИЙ-  
ТЕХНИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.30.08.2018.Yu.74.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖУМАНОВ АЗАМАТ ОРАЛБАЕВИЧ**

**АҲОЛИНИ ТОЗА ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИНГ  
ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРИ**

**12.00.06 – Табiiй ресурслар ҳуқуқи. Аграр ҳуқуқ. Экологик ҳуқуқ**

**ЮРИДИК ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации**

**Content of the abstract of doctoral dissertation**

**Жуманов Азамат Оралбаевич**

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашнинг экологик-ҳуқуқий муаммолари.....3

**Жуманов Азамат Оралбаевич**

Эколого-правовые проблемы обеспечения населения чистой питьевой воды .....23

**Jumanov Azamat Oralbaevich**

Ecological and legal problems of provision of the population with clean drinking water .....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....47

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ ҲАРБИЙ-  
ТЕХНИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.30.08.2018.Yu.74.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖУМАНОВ АЗАМАТ ОРАЛБАЕВИЧ**

**АҲОЛИНИ ТОЗА ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИНГ  
ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРИ**

**12.00.06 – Табiiй ресурслар ҳуқуқи. Аграр ҳуқуқ. Экологик ҳуқуқ**

**ЮРИДИК ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/Үу95 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Бердах номидаги Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) «Ziynet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Усмонов Муҳаммади Бахритдинович**  
юримдик фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Сафаров Джахонгир Исмоилович**  
юримдик фанлари доктори, доцент

**Умаров Дилшоджон Маъруфович**  
юримдик фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона  
қўмитасининг Божхона институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси Ҳарбий-техник институти ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.30.08.2018.Үу.74.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2019 йил 30 апрел соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100109, Тошкент в., Зангиота тумани, Чорсу кўрғони. Тел.: (99871) 230-32-71; факс: (99871) 230-32-50; [mg-hti@umail.uz](mailto:mg-hti@umail.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_-рақам билан руйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент в., Зангиота тумани, Чорсу кўрғони. Тел.: (99871) 230-32-71; факс: (99871) 230-32-50).

Диссертация автореферати 2019 йил 17 апрелда тарқатилди.

(2019 йил \_\_\_\_ - апрелдаги \_\_\_\_-рақамли реестр баённомаси).

**М.Х.Рустамбаев**

Илмий даражалар берувчи бир  
марталик илмий кенгаш раиси, юримдик  
фанлар доктори, профессор

**А.А.Нуридуллаев**

Илмий даражалар берувчи бир  
марталик илмий кенгаш котиби, юримдик  
фанлар номзоди, доцент

**М.А.Усманова**

Илмий даражалар берувчи бир  
марталик илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, юримдик  
фанлар доктори, профессор

## КИРИШ (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда бугунги кунда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш умумбашарий муаммога айланиб қолди. Айни вақтда 1 млрд. аҳоли ҳавфсиз ичимлик сувига эга эмас, 2030 йилда уларнинг сони 2,7 млрд. кишига етиши тахмин қилинмоқда<sup>1</sup>. Бу кўрсаткичлар инсониятнинг келажаги учун жиддий хавф туғдиради. Бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ва конвенциялар мавжудлигига қарамасдан, ҳанузгача айрим давлатларнинг ўз зиммасидаги мажбуриятларини тўлиқ бажармаётгани аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда муаммолар келтириб чиқараяпти. Ушбу ҳолат инсониятнинг зарур миқдордаги тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқини таъминлашни такомиллаштириш зарурати мавжудлигидан далолат беради.

Жаҳонда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича муносабатларни экологик-ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос жиҳатлари давлатлараро ҳамкорликни кучайтириш зарурлигини тақозо этади. Жумладан, инсоннинг сувга нисбатан мутлақ ҳуқуқини амалга оширишда халқаро экологик меъёрий ҳужжатларнинг устуворлигини таъминлаш, сув ҳуқуқбузарлиги учун юридик жавобгарлик ҳамда ҳуқуқни ҳимоя қилиш усуллари такомиллаштириш, халқаро стандартларга миллий қонунчиликни мослаштириш, қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш бўйича тадқиқот ишлари олиб бориш долзарблик касб этади.

Республикамизда бугунги кун янги ислохотлар босқичида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга алоҳида эътибор берилиб, қатор мақсадли чора-тадбирлар, хусусан ушбу соҳадаги камчиликларни бартараф этиш ва соҳани янада ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор фармон ва қарорлари қабул қилиниб ҳаётга жорий қилиш бўйича кенг кўламли тизимли ишлар амалга оширилди. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонида таъкидланишича, “одамларнинг экологик ҳавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш комплексларини қуриш ва модернизация қилиш, атроф муҳитга зарарли моддалар чиқишини камайтириш, атроф-табiiй муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларни олдини олиш”<sup>2</sup> мамлакат ижтимоий ҳаётини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, бу соҳани тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (1995) Жиноят кодекси (1994), “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги (1992), “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги (1993)

<sup>1</sup> Қаранг: Сув ҳуқуқи. Дарслик. –Т.:ТДЮИ нашриёти, 2011, – Б. 5.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017й., 6-сон, 70-модда

Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги (2017), “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясини ташкил этиш тўғрисида”ги фармонлари (2017), 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ-3286-сонли “Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2910-сонли “2017-2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида”ги, 2018 йил 30 ноябрдаги ПҚ-4040-сон “Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашнинг экологик ҳуқуқий муаммолари мамлакатимиз олимларидан Й.О.Жўраев, Ж.Т.Холмўминов, Ш.Х.Файзиев, У.Т.Аюбов, Н.К.Скрипников, М.М.Нурматов, Д.И.Сафаров, Ф.Т.Буранов, Ҳ.Ш.Ҳайитовлар ва бошқаларнинг илмий ишларида муайян даражада кўриб чиқилган.

Хориж мамлакатларида эса, М.М.Бринчук, Г.А.Безбородов, А.К.Голиченков, Б.В.Ерофеев, Л.В.Ильященко, О.С.Колбасов, О.И.Крассов, В.В.Петров, А.Халбаева, Л.А.Тимофеев(Россия Федерацияси), Ю.С.Шемшученко (Украина), С.Б.Байсалов (Қозоғистон) каби олимлар<sup>1</sup> томонидан ўрганилган.

Бироқ юқорида номлари келтирилган олимларнинг ишлари фақат умумий сув ҳуқуқий муносабатларини тартибга солишга бағишланган бўлиб, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни ҳуқуқий тартибга солишга комплекс ёндашилмаган. Шу сабабли ушбу масалани комплекс тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

Мамлакатимизда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашнинг экологик ҳуқуқий муаммоларига оид алоҳида монографик тадқиқот олиб борилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Қорақалпоқ давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ҳамда «Экологик қонунчиликни

---

<sup>1</sup> Ушбу олимларнинг ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар руйхатида кўрсатилган.

такомиллаштириш муаммолари» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда тегишли қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

аҳолининг тоза ичимлик сувидан фойдаланиш ҳуқуқи тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш, ичимлик сувдан фойдаланиш ва истеъмол қилишга бериш тартиби, шартлари, тамойиллари ва турларини таҳлил қилиш;

аҳолининг тоза ичимлик сувидан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш бўйича экологик талабларни кўрсатиш;

аҳолининг тоза ичимлик сувидан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлашда давлат томонидан тартибга солишнинг ўрни ва аҳамиятини таҳлил қилиш;

аҳолининг тоза ичимлик сувидан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлашда экологик экспертизанинг ўрни ва ролини очиқ бериш;

аҳолининг тоза ичимлик сувидан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш воситаси сифатида юридик жавобгарлик жазо чораларини таҳлил қилиш;

аҳолининг тоза ичимлик сувидан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш бўйича хориж тажрибаси ва ундан миллий қонунчиликни такомиллаштиришда фойдаланиш масалаларини ўрганиш;

аҳолининг тоза ичимлик сувидан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлашга бағишланган қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот олиб боришда тарихий, тизимли-тузилмавий, қиёсий ҳуқуқий, мантикий, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** сифатида:

аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда сув захираларини муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг ошиб бораётганлиги сабабли фуқароларнинг жавобгарлигини кучайтириш мақсадида фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши тўғрисидаги таклиф асослантирилган;

аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда сув захираларини муҳофаза қилиш соҳасида учрайдиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтиришга қаратилган мансабдор шахсларга беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда

жарима солишга сабаб бўлиши тўғрисидаги таклиф асослантирилган;

фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли бўйича камчиликларини бартараф этиш ва жавобгарлигини кучайтириш мақсадида фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса - беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши ҳақидаги таклиф асослантирилган;

коммунал ва бошқа объектларни сувнинг ифлосланиши ва булғаниши ёки унинг зарарли оқибатларининг олдини олувчи иншоотлар ва қурилмаларсиз фойдаланишга топшириш, шунингдек сув объектларининг табиий ҳолатини бузувчи бошқа ҳаракатлар қилинганида мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши тўғрисидаги таклиф асослантирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

сув захираларини муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этиш бўйича фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг мажбурияти ва жавобгарлигини кучайтирилишига доир таклиф ишлаб чиқилган;

сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларига риоя этиш бўйича фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтиришга доир таклифлар асослантирилган;

аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда коммунал ва бошқа объектларни сувнинг ифлосланиши ва булғаниши ёки унинг зарарли оқибатларининг олдини олувчи иншоотлар ва қурилмаларсиз фойдаланишга топшириш, шунингдек сув объектларининг табиий ҳолатини бузувчи бошқа ҳаракатлар қилинганида мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтиришга доир таклиф асослантирилган;

сув қонунчилигининг аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга бағишланган моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурияти асослантирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижалари миллий қонун нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, статистик маълумотларни таҳлил қилиш асосида умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот ишида илгари сурилган таклифлар ва илмий хулосалардан ўқув жараёнида, илмий-тадқиқот ишлари олиб боришда, қонун ижодкорлиги жараёнида фойдаланиш мумкин. Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган таклифлар амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини амалга ошириш ва уларни такомиллаштиришда ижобий самара беради.

Тадқиқот материалларидан сув ҳуқуқи, ер ҳуқуқи, экология ҳуқуқи фанларидан маърузалар ўқиш, ҳуқуқни ва экология ва атроф муҳитни



муҳофаза қилиш органлари ходимларининг амалий фаолиятида қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин. Диссертация тадқиқоти натижасида олинган назарий хулоса ва амалий тавсиялардан сув, экология, ер, ўрмон, флора, маъмурий, жиноят ҳуқуқига оид норматив ҳужжатларни такомиллаштиришда, қонун ости меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда уларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда, шунингдек суд амалиётида фойдаланиш мумкин.

#### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашнинг экологик ҳуқуқий муаммолари тадқиқоти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда сув захираларини муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этиш бўйича фуқароларнинг жавобгарлигини кучайтириш мақсадида фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши ҳақидаги таклифи Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 72-моддаси биринчи қисмига ўзгартиш киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд ҳуқуқ масалалари Кўмитасининг 2018 йил 25 октябрдаги 131-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда сув захираларини муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этиш бўйича фуқароларнинг жавобгарлигини кучайтиришга хизмат қилган;

аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда сув захираларини муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этиш бўйича мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтиришга доир мансабдор шахсларга беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши ҳақидаги таклифи Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 72-моддаси биринчи қисмига ўзгартиш киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд ҳуқуқ масалалари Кўмитасининг 2018 йил 25 октябрдаги 131-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда сув захираларини муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этиш бўйича мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтиришга хизмат қилган;

аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларига риоя этиш бўйича фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтиришга доир фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса - беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши ҳақидаги таклифи Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 74-моддаси биринчи қисмига ўзгартиш киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд ҳуқуқ масалалари Кўмитасининг 2018 йил 25 октябрдаги 131-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларига риоя этишга фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг мажбурияти ва

жавобгарлигини кучайтиришга хизмат қилган;

коммунал ва бошқа объектларни сувнинг ифлосланиши ва булғаниши ёки унинг зарарли оқибатларининг олдини олувчи иншоотлар ва қурилмаларсиз фойдаланишга топшириш, шунингдек сув объектларининг табиий ҳолатини бузувчи бошқа ҳаракатлар қилинганида мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солиш тўғрисидаги таклифи Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 72-моддаси иккинчи қисмига ўзгартиш киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2019 йил 11 мартдаги 03-02/3-1260/1-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, бу борадаги ҳуқуқбузарликларга қарши кураш самарадорлигини оширишга ҳамда мансабдор шахсларнинг маъсулияти ҳамда жавобгарлигини кучайтиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 11 та илмий анжуманда, жумладан 3 та халқаро, 8 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 9 та илмий мақола (2 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

**Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, 10 параграфни қамраб олган 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация ишининг ҳажми 154 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг **кириш** қисмида илмий-тадқиқот мавзусининг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, методлари, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси), натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертация тадқиқотининг тузилиши ёритилган.

Диссертация ишининг биринчи боби **“Аҳолининг тоза ичимлик сувидан фойдаланиш ҳуқуқининг умумий тавсифи ва юридик табиати”**га бағишланган бўлиб, унда аҳолининг тоза ичимлик сувидан фойдаланиш ҳуқуқи тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари, аҳолининг тоза ичимлик сувидан фойдаланиш ҳуқуқини вужудга келиш асослари, тартиби ва тамойилларининг илмий назарий моҳияти, аҳолининг тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқининг турлари, аҳолининг тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш бўйича экологик талаблар очиқ берилган.

Маълумки, сув инсоннинг яшаши ва фаолият кўрсатиши учун энг зарур табиий ресурс бўлиб, у ичимлик, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ва овқат тайёрлаш, кишиларнинг санитария-гигиена ҳамда ижтимоий-маиший

эҳтиёжларини қондиришда ўрнини босиб бўлмайдиган табиат бойлигидир. Инсоннинг тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқи унинг ҳаёти ва соғлиғи учун пойдевор бўлиб, унинг етарли ва хавфсиз ичимлик суви билан таъминланганлиги барча ҳуқуқларини амалга оширишнинг зарурий шартини ҳисобланади.

Инсоннинг яшаш ҳуқуқини том маънода зарур миқдордаги тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқини таъминламасдан амалга ошириб бўлмайди. Демак, инсоннинг тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқи унинг мутлоқ ва дахлсиз ҳуқуқи ҳисобланади, шунинг учун ушбу ҳуқуқни унинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари сифатида конституциявий мақомда ўрнатилиши лозим бўлган ажралмас ҳуқуқи сифатида эътироф этиш ўринлидир.

Диссертация ишида таъкидланишича, тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқи доирасида унга нисбатан қўлланиладиган тозалик, етарлилик, хавфсизлик ва очиқлик каби талаблар муҳим аҳамият касб этади. Инсоннинг тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқи миқдор жиҳатдан етарли даражада бўлган, хавфсиз, экологик талабларга жавоб берадиган, кундалик шахсий эҳтиёжлар(истеъмол, уй-жой санитарияси, тегишли гигиенани таъминлаш, таом тайёрлаш)ни қондириш вазифасини бажаришни таъминлашга қаратилган бўлиши керак.

Аҳолининг тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқи тушунчасини тадқиқ этганда “ичимлик суви”, “тоза ичимлик суви”, “сифатли ичимлик сув”, “зарур миқдордаги ичимлик суви” каби тушунчаларга аниқлик киритиш мақсадга мувофиқдир.

Бизнинг фикримизга кўра, ичимлик суви деганда, инсон томонидан истеъмол қилиш, овқат тайёрлаш, шахсий гигиена, маиший ёки шунга ўхшаш ижтимоий мақсадлар учун фойдаланиладиган сув тушунилади.

Тоза ичимлик суви деганда, инсон томонидан истеъмол қилиш, овқат тайёрлаш, шахсий гигиена, ижтимоий-маиший ёки шунга ўхшаш ижтимоий мақсадлар учун санитария-гигиена меъёрларига, экологик талабларга жавоб берадиган фойдаланиш учун етказиб берилган сув назарда тутилади.

Сифатли ичимлик суви деганда, таркибида инсон саломатлиги учун зарарли аралашмалар бўлмаган сув тушунилади. У рангсиз, ҳидсиз ҳамда истеъмол учун хавфсиз бўлиши талаб этилади. Сифатли ичимлик суви нафақат бактериологик даражада тоза ва инсон организми учун зарарли моддаларсиз бўлиши, балки фойдали минералларга ҳам эга бўлиши зарур.

Зарур миқдордаги ичимлик суви деганда, ҳар бир инсонни сувга бўлган истеъмол эҳтиёжларини қондириш учун етарли даражадаги ва узлуксиз таъминлашга хизмат қиладиган сув ҳажми тушунилади. Ҳар бир инсон томонидан фойдаланиладиган сувнинг миқдори кунига 50 литрни ташкил қилиши ёки у фойдаланиши мумкин бўлган энг минимал миқдорда (20 литр) бўлиши, бунда фақат тоза ичимлик сувини истеъмол қилиш учунгина эмас, балки бошқа барча ижтимоий эҳтиёжлар учун ҳам сувдан фойдаланиш ҳуқуқи назарда тутилиши талаб этилади. Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, тоза ичимлик сувига қуйидагича таъриф бериш мумкин. Тоза ичимлик

суви – бу одамларнинг ўз ҳаёт ва соғлиғини сақлаб туриш, истеъмол ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш мақсадида маълум ҳақ эвазига етказиб бериладиган ва давлат томонидан ўрнатилган санитария-гигиена ва экологик меъёрларга жавоб берадиган табиий ресурсдир.

Аҳолининг тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқи фойдаланиш ва истеъмол қилиш мақсадига қараб, а)судан аҳоли истеъмоли ва ичимлик эҳтиёжи учун фойдаланиш; б)маиший эҳтиёжни қондириш учун фойдаланиш; в)даволаш, курорт ва соғломлаштириш мақсадида фойдаланиш турларига бўлинади. Шунингдек, аҳолининг тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқини марказлашган ва марказлашмаган судан фойдаланиш турларига ҳам бўлиш мумкин.

Аҳолининг тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш бугунги кунда тўла даражада экологик талабларга жавоб беради, деб бўлмайди. Бизнинг фикримизча, ушбу камчиликлар қуйидаги сабаблар натижасида юзага келган: а)сув сифатининг O'zDSt 950:2011 “Ичимлик суви. Гигеник талаблар ва сифат назорати” талабларига жавоб бермаслиги; б)эски водопровод станцияларида технологияларнинг таъминланмаганлиги ва бунинг оқибатида табиий сувларнинг талаб даражасида тозаланмаслиги; в)водопровод тармоқларининг авария ҳолати натижасида сувнинг исроф бўлиши, иккиламчи микроблар билан ифлосланиши; г)сув тортиш тизимида эски технологик схемалар қувватининг етишмаслиги (ёки тозаловчи қурилмаларнинг умуман мавжуд эмаслиги) натижасида сув объектларига меъёрсиз тозаланган ва тозаланмаган оқар сувларнинг келиб тушиши ҳамда ифлосланиши; д)қаттиқ ва суюқ чиқиндиларни оқизадиган юқори технологик омборхона ва полигонларнинг мавжуд эмаслиги ва ҳ.к.

Аҳолининг зарур миқдорда тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш кўп жиҳатдан ичимлик сув таъминоти манбаларини санитария кўриқлаш зоналари ҳолатини яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирлар, шу жумладан: санитария кўриқлаш зонаси биринчи қатлами ҳолати текширилишини ўтказиш; ташланма ва оқова сувнинг санитария кўриқлаш зонаси иккинчи ва учинчи қатламини чорвачилик мажмуалари чиқиндилари билан филтрланишини бартараф этиш бўйича ишларни амалга ошириш; санитария кўриқлаш зонаси иккинчи қатламидан хавфли ифлослантирувчи объектларни олиб ташлаш (ахлат майдончалари, қаттиқ чиқиндилар полигонлари, кул-шлак ташланмалари ва ҳоказолар)га боғлиқ бўлади.

Бугунги кунда сув қонунчилигига ичимлик ва маиший сув таъминоти манбаларига махсус муҳофаза қилинувчи сув объектлари мақомини бериш, ичимлик ва маиший сув таъминоти манбаларидан водопровод-канализация хўжалиги маҳкамаларининг судан фойдаланиши учун судан махсус фойдаланишнинг алоҳида қоидаларини ишлаб чиқиш, меъёрий-ҳуқуқий актларда водопровод-канализация хўжалиги ташкилотларининг ўз ишлаб чиқариш фаолиятида илғор технологиялар ва аҳоли саломатлиги ҳамда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш манфаатларини ҳисобга олган ҳолда жаҳон ва миллий илғор тажрибалардан фойдаланиш мажбуриятини юклаш ҳақидаги

қоидаларни киритиш лозим.

Диссертация ишининг “Аҳолининг тоза ичимлик сувидан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлашнинг ташкилий ҳуқуқий муаммолари”, деб номланувчи иккинчи бобида аҳолининг тоза ичимлик сувидан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлашни давлат томонидан тартибга солишнинг ўрни ва аҳамияти, юридик жавобгарлик жазо чораларининг аҳолининг тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш воситаси сифатидаги ўрни ва роли таҳлил қилинган.

Аҳолининг тоза ичимлик сувидан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлашни давлатнинг доимий ва аниқ йўналтирилган чора-тадбирларисиз амалга ошириб бўлмайди. Давлат бошқарувининг асосий вазифаси маъмурий ва ҳуқуқий чоралар тизими ёрдамида сув муносабатлари соҳасида қонунлар ижросини таъминлашнинг муносиб ҳимоясини ташкил этишдан иборатдир.

Аҳолининг тоза ичимлик сувидан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш муносабатлари соҳасида давлат бошқаруви сув ҳуқуқининг энг муҳим, асосий ва айти дамба мураккаб институтларидан бири ҳисобланади, бинобарин, у ўз ичига бир неча институтларни ҳам қамраб олади. Ушбу институт сув кадастрни юритиш, давлат сув назоратини амалга ошириш, низоларни ҳал қилиш ва шунга ўхшаш бошқа институтлардан таркиб топган.

Аҳолининг тоза ичимлик сувидан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш муносабатларини давлат томонидан тартибга солишни амалга ошириш шакллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин: 1)норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар яратилиши, қўлланилиши ва бажарилишини таъминлаш (назоратнинг ушбу шаклига қонун, қарор, фармон, фармойиш, дастур, шунингдек, нормативлар, стандартлар ва ш.к.ларни қабул қилиш, тасдиқлаш, қўллаш ва бажарилиши таъминлаш киради); 2)мониторинг хизматини юритиш; 3)назорат фаолиятини амалга ошириш (текшириш, баҳолаш, таҳлил ўтказиш, кадастр юритиш ва ҳисобдорлик).

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни давлат томонидан бошқаришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелда қабул қилинган "Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"<sup>1</sup>ги Фармони ва шу фармон асосида 2017 йил апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”<sup>2</sup>ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПФ–5018-сонли “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясини ташкил этиш тўғрисида”<sup>3</sup>ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2899-сонли “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ичимлик сувидан

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5017-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 16-сон, 267-модда

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017й., 17-сон, 291-модда

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 16-сон, 268-модда

фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”<sup>1</sup>ги қарори муҳим аҳамият касб этади.

Диссертация ишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясининг аҳолини тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқини таъминлашга қаратилган фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқилди.

Аҳолининг тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқини таъминлашда экологик экспертизанинг роли алоҳида аҳамият касб этиб, у аҳолининг тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқини таъминлашда самарали воситалардан бири ҳисобланади. Аҳолининг тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш экспертизасини тайёрлаш ва ўтказиш қуйидаги талабларни ўзида мужассам этади: тақдим этилган материаллар ва ҳужжатларнинг ишончлилиги ва тўлиқлиги; сўралган фаолиятнинг сув хавфсизлигини асословчи ҳужжатлар таркибини белгилаш; эксперт комиссиясини тузиш; экспертларнинг таркиби ва билимига қўйиладиган талабларни белгилаш; эксперт хулосасига қўйиладиган талабларни белгилаш.

Аҳолининг тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш экспертизасининг аниқ объекти бўйича эксперт комиссияси қарорини тасдиқлаш сувга доир экспертиза муносабатларининг натижаси ҳисобланади. Эксперт комиссияси хулосаси ижобий бўлса сувдан фойдаланишни амалга ошириш учун рухсат берилади.

Аҳолининг тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқини таъминлашда юридик жавобгарлик жазо чоралари муҳим роль ўйнайди. Юридик жавобгарлик жазо чоралари сувдан самарали ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш ва бу соҳада содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда асосий воситалардан бири ҳисобланади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги қонунига кўра, сувни муҳофаза қилиш зоналари ва соҳил бўйи минтақалари муҳофаза этиладиган ландшафтлар турига киритилган. Ўзбекистон Республикаси “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги қонунининг 41-моддасига биноан сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳилбўйи минтақалари, сув объектлари санитария муҳофазаси зоналари ҳамда ер усти ва ер ости сувлари ҳосил бўлиши зоналарининг режимига кўра соҳилбўйи минтақаларида сув хўжалиги объектларини қуриш, ҳар қандай турдаги бошқа қурилиш объектларини бунёд этиш таъқиқланади. Ушбу ҳудудларнинг ҳолатини ўрганиш шуни кўрсатадики, сувни муҳофаза қилиш зоналари ва соҳилбўйи минтақаларида қонуннинг ушбу талаби қўпол равишда бузилиб, уларда яшаш учун мўлжалланган бинолар, умумий овқатланиш объектлари, ҳожатхоналар ва бошқа қурилмалар барпо этиш ҳолатлари кўплаб учрайди.

Масалан, Тошкент шаҳар ҳудудидан оқиб ўтувчи 128 та канал ва

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 16-сон, 271-модда

суғориш тармоқларининг қирғоқ бўйи минтақаларида 1300 дан ортиқ объект ва қурилмалар “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги қонуннинг талабларини бузган ҳолда жойлаштирилган. Тошкент шаҳрининг Юнусобод, Шайхонтохур ва Учтепа туманлари ҳудудидан оқиб ўтувчи “Бўзсув” канали қирғоқ минтақасининг айрим жойлари ўзбошимчалик билан ўраб олинган, 180 дан ортиқ объект ва иншоотлар, шу жумладан турар жой бинолари, молхона, умумий овқатланиш ва савдо объектлари қурилган. Шунингдек, сувни муҳофаза қилиш зоналарида ва қирғоқ бўйи минтақаларида канализация-тозалаш иншоотлари ва оқова сувлар тўпланадиган иншоотлар барпо этилган<sup>1</sup>.

Қирғоқ бўйида ўзбошимчалик билан қурилган объект ва иншоотлардан дарё ва сой ўзанларига маиший ва бошқа чиқиндилар, шу жумладан оқова сувлар ташланмоқда. Натижада атроф табиий муҳит ифлосланмоқда, инсон ҳаёти ва соғлиғига жиддий хавф солинмоқда. Масалан, Тошкент шаҳрининг Юнусобод, Мирзо Улуғбек, Яшнобод, Миробод, Яккасарой ва Сергели туманларидан оқиб ўтадиган “Салар”, “Катта Толариқ” ва “Қорасу” каналларининг сувни муҳофаза қилиш зонасида ўзбошимчалик билан 25 та хожатхона қурилган. Турли объектлардан каналларга оқова сувларни оқизиш бўйича 150 та факт аниқланган<sup>2</sup>.

Ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, вужудга келган ҳолатлар асосан муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун маъмурий жазо чораларининг етарли даражада эмаслиги ва самараси пастлигидан келиб чиқмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 82-моддаси санкциясида (Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг режимини бузиш) жавобгарлик жазо чораларини кучайтиришга оид тақлифлар ишлаб чиқилди.

Чиқинди билан боғлиқ ишлар бўйича таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, мазкур соҳада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича таъсирчан механизмнинг етарли даражада эмаслиги, “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонундаги бўшлиқлар аҳоли пункти ҳудудларини ва сувларни маиший ва саноат чиқиндилари билан ифлосланттириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Масалан, 2018 йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, 13,1 минг та (2017 йилда – 6,3 минг та) чиқиндиларни белгиланмаган жойларга ноқонуний ташлаш фактлари аниқланган<sup>3</sup>. Ушбу масала бўйича хориж тажрибаси шуни кўрсатадики, рухсат этилмаган жойларга чиқиндиларни ташлаганлик учун, масалан, Австралияда жисмоний шахсларга 7500\$, Австрияда 90€, Ирландияда 5000€, Буюк Британияда 80Ј, Швейцарияда 1000 Швейцария франки, Хитойда 50 юан, Сингапурда 1000 Сингапур доллари миқдоридан жарима жазоси қўлланилади. Шундан

---

<sup>1</sup><http://parliament.gov.uz>

<sup>2</sup><http://parliament.gov.uz>

<sup>3</sup><http://parliament.gov.uz>

келиб чиқиб, тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикасининг “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонунини такомиллаштиришга бағишланган таклифлар ишлаб чиқилди.

Амалиётни ўрганиш шуни кўрсатадики, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда кўплаб ҳуқуқбузарликлар учрамоқда. Масалан, 2017 йилнинг 1 июлидан 2018 йилнинг 1 июлигача ўтган даврда Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан водопровод, сув таъминоти ва канализация тармоқларига истеъмолчилар томонидан 7902 та ноқонуний уланиш ҳолатлари аниқланган. Шундан, 116 таси қудуқларни ноқонуний қазийш, 1070 таси қудуқлардан фойдаланиш ва консервациялаш қоидаларини бузийш, 3500 таси сув ҳисоблагичларнинг пломбасини бузийш, 4644 таси сувнинг бирламчи ҳисобот юритиш қоидаларини бузийш, 2633 таси сув таъминоти ва канализация хизмати кўрсатиш қоидаларини бузийш, 330 таси аҳолига сув ресурсларини ноқонуний етказиб бериш ва сув сифатини назорат қилиш ҳамда уни зарарсизлантириш бўйича санитария талабларини бузийшдир. Ушбу ҳолатлар бўйича давлат инспекцияси томонидан давлат бошқаруви органларига 1620 та кўрсатма ва тақдимномалар киритилган<sup>1</sup>.

Санаб кўрсатилган бу каби сув ҳуқуқбузарликларининг сабабини ўрганиш шундан далолат берадики, улар учун ҳаракатдаги қонунларда юридик жавобгарлик жазо чоралари лозим даражада белгиланмаган ёки бир қатор бўшлиқлар мавжуд. Шу сабабдан, ушбу сув ҳуқуқбузарликлари учун Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 72,74, 75 ва 76 моддаларига ҳамда Жиноят кодексига тегишли жавобгарлик жазо чораларини белгилаш бўйича ўзгартириш ва тўлдиришлар киритиш мақсадга мувофиқдир.

Диссертация ишининг учинчи боби “**Аҳолининг тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш бўйича халқаро тажриба ва ундан миллий қонунчиликни такомиллаштиришда фойдаланиш истиқболлари**” деб номланиб, ушбу бобда аҳолининг тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш бўйича хориж тажрибаси ва ундан миллий қонунчиликни такомиллаштиришда фойдаланиш масалалари, аҳолининг тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқини таъминлашга бағишланган миллий қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари таҳлил этилган.

Аҳолининг тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш бўйича муносабатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда халқаро тажрибани ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Аҳолининг тоза ичимлик сувига зарур миқдорда эга бўлиш ҳуқуқи энг муҳим халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда, энг аввало, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (3- ва 25-моддалар)да мустаҳкамлаб қўйилган. Унда ҳар қайси инсон яшаш ҳуқуқига эгаллиги назарда тутилган. Инсоннинг яшаш ҳуқуқини таъминловчи омиллардан бири - зарур миқдорда тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқисиз тасаввур этиб бўлмайди.

---

<sup>1</sup><http://parliament.gov.uz>



Инсоннинг яшаш ҳуқуқи ва уни таъминловчи шартлар билан бевосита боғлиқ бўлган ҳуқуқлар 1976 йил 3 январдан бошлаб кучга кирган Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактда ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, унда инсоннинг қуйидаги ҳуқуқлари - ҳар қайси одамнинг ўзи ва оиласи учун, жумладан, етарлича овқатланиш, кийим-кечак, турар-жой ва турмуш шароитини узлуксиз яхшилашни қўшган ҳолда, етарлича турмуш даражасига эга бўлиш ҳуқуқи(1-модда, 1-қисм); очликдан халос бўлишга ҳар кимнинг ҳуқуқи(11-модда, 2-қисм); ҳар қайси инсоннинг жисмоний ва руҳий саломатлигининг энг юқори даражасига бўлган ҳуқуқи(12-модда) ўз ифодасини топган.

Аҳолининг тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқини тартибга солувчи халқаро ҳужжатларга инсонни ўраб турган атроф табиий муҳит бўйича Стокгольм декларацияси(1972), Табиат тўғрисидаги Бутунжаҳон хартияси(1982), Рио-де-Жанейро Декларацияси(1992)ни кўрсатиш мумкин. Ушбу халқаро ҳужжатларда инсоннинг зарур миқдордаги тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқи тўғрисидаги ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши шартлиги кўрсатилган. Бу ҳужжатларда халқаро дарёлар, кўллар ва бошқа сув ҳавзаларидан фойдаланиш халқаро-ҳуқуқий тартибга солиниши, чунки бу турли мамлакатлар манфаатларига дахл қилиши ва атроф табиий муҳит ҳолати учун муайян хавф-хатарни ўзида ифода этиши белгиланган.

Тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқи соҳасидаги ҳозирги замон халқаро муносабатларнинг асоси бўлиб Дублин тамойиллари(Ирландия) ва Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ва фойдаланиш бўйича Конвенция(Хельсинки, 1992 йил) ҳисобланади. Ушбу конвенцияларнинг асосий мақсади “инсоннинг зарур миқдордаги тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқи”ни таъминлашдан иборат.

Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ва фойдаланиш бўйича Конвенция(Хельсинки, 1992), ана шу Конвенцияга сув ва саломатлик муаммолари бўйича Протокол бугунги кунда инсоннинг тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш борасида халқаро ташкилотларнинг тамал ҳужжати саналади.

2002 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси 2003 йилни “Халқаро чучук сув йили” деб номлаш тўғрисида махсус резолюция қабул қилди. Ушбу давр мобайнида: Европа иттифоқи ва МДХнинг Сув ташаббусига бағишланган олий даражадаги учрашуви(Москва, 2002й.), III Бутунжаҳон сув Форуми (Киото,2002 й.), “МДХ давлатлари трансчегаравий сув объектлари соҳасидаги ҳамкорлик” семинари (Москва,2003й.), “Помир Марказий Осиёнинг чучук сув манбаи” халқаро конференцияси(Хорог,2004 й.), Чучук сув бўйича халқаро форум(Душанба,2005 й.) сингари тадбирлар уюштирилди.

Аҳолининг тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда бир қатор хориж давлатларининг жинойт қонунчилигида ўрнатилган қоидалар диққатга сазовордир. Чунончи,

ГФР Жиноят кодексида сув ҳавзаларини ифлослантириш буйича келтирилган (§324м)<sup>1</sup>, Швейцариянинг 1937 йилда қабул қилиниб, ҳозирга қадар амалда бўлган Жиноят кодексининг “Жамият саломатлигига қарши жиноят ва қилмишлар” деб номланган саккизинчи бўлимида касаллик тарқатганлик(231-м.), эпизотия тарқатганлик(232-м.), зараркунандаларни тарқатганлик(233-м.), ичимлик сувини ифлослантирганлик(234-м.)<sup>2</sup> каби қилмишлар учун жавобгарлик белгиланган. 1907 йил 24 апрелда қабул қилинган Япония Жиноят кодексида ҳам ичимлик суви билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган. Хусусан, Япония ЖКнинг<sup>3</sup> “Ичимлик суви билан боғлиқ жиноятлар” деб номланувчи 15-бобида тоза сувни ифлослантириш(142-м.), водопроводни ифлослантириш (143-м.), тоза сувни захарлаш(144-м.), тоза сувни ифлослантириш ёки захарлаш натижасида тан жароҳати ёки ўлимнинг келиб чиқишига сабаб бўлса (145-м.), водопроводни ифлослантириш ва унинг натижасида ўлим келиб чиқиши(146-м.), водопроводни ишдан чиқариш (147-м.) жиноятлари учун жавобгарлик белгиланган. Япония Жиноят кодексида мазкур қилмишлар учун оғир жазо чораси белгиланган бўлиб, хусусан сув ўтказгични ифлослантирганлик натижасида одам ўлимига сабаб бўлса, айбдорга нисбатан ўлим жазоси тайинланади.

